ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИ

Жураев Навруз Жураевич ўқитувчи
Бухоро Давлат Университети

Аннотация;Замонавий иқтисодиёт - бу у ёки бу тарзда ўзаро боғланган, бир-бири билан ўзаро алоқада бўлган ҳар хил турдаги ва даражадаги иқтисодий тизимлар тўплами. Иқтисодий тизимлар иқтисодий муҳитда ва асосан унинг асосий таркибий қисми - хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайди. Хизмат кўпинча, бир томондан, жараён ёндашуви нуқтаи назаридан, айниқса менежмент ва маркетингда кўриб чиқилади. Ҳар қандай иқтисодий тизимда асосий, асосий ролни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш бўйича иқтисодий субъектлар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари ўйнайди. Барча иқтисодий тизимларда ишлаб чиқариш иқтисодий ресурслардан хизмат кўрсатиш шаклида фойдаланишни тақозо этади, хўжалик фаолияти натижалари эса пировард маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилган хизматлар шаклида истеъмол қилинади.

Калит сўзлар: Хизмат кўрсатиш соҳалари, хизмат кўрсатиш турлари, инсон капитали.

Хизмат кўрсатиш иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиб бориши ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулот таркибини ҳам ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда муайян мамлакатни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш учун яратилаётган ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасининг 65 фоиздан юқори бўлиши асосий мезон ҳисобланади. Масалан, АҚШ иқтисодиётида яратилган ялпи ички маҳсулот таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 78,0 фоизни ташкил этади ва унда ишлаб чиқариш фондларининг 40,0 фоизи мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келади. Европа Иттифоқи мамлакатларида эса ялпи ички маҳсулотнинг 65,0-70,0 фоизи,

Японияда 62,0 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек дунё бўйича тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмининг 40,0 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилган[29].

Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, XXI асрнинг бошларида барча турдаги хизматлар ҳажми 1500,0 трлн. АҚШ долларини (бу кўрсаткич жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 70,0 фоизини ташкил этади) ташкил этган. Халқаро савдо хизматлари эса, жаҳон хўжалигининг барқарор ривожланувчи секторини ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Мазкур соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш учун жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш лозимлиги ҳам устувор вазифалардан биридир. Айниқса, замон талабидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш ниҳоятда муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майда “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, унга асосан “хизматлар соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича ўз ечимини кутаётган муаммоли масалаларни ҳал қилиш, мазкур йўналишда тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш” масалалари қўйилган эди”[30].

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида иқтисодий муносабатлар тизимида ўз ўрнига эга бўлиб, жамиятдаги иқтисодий қонуният ва қонунларга бўйсунади. Тармоқларнинг халқаро таснифида уч секторни ажратиш қабул қилинган: бирламчи (қишлоқ хўжалиги, қазиб олиш

[29] О. Изряднова Раздел 4. Реальный сектор экономики // Российская экономика. Тенденции и перспективы. 2017. №39. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/razdel-4-realnyy-sektor-ekonomiki-2 (дата обращения: 23.01.2023).
[30] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майида имзоланган “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори.// “Халқ сўзи” газетаси. 2021 йил 2 май. 1-2-бетлар.

саноати), иккиламчи (қайта ишлаш саноати), ва учламчи (хизмат кўрсатиш соҳаси ёки ижтимоий соҳа)[31].

Биринчидан, маҳсулотлар белгиланиши бирлиги нуқтаи назаридан хизмат соҳаси маҳсулоти қийин ва қарама-қарши тушунчадир. Истеъмол фондини кўпайтиришга йўналтирилган хизматлар ижтимоий соҳа маҳсулоти сифатида кўрилиши мумкин.

Иккинчидан, истеъмол қилинадиган ресурслар хилма-хиллиги нуқтаи назаридан ушбу ўхшашлик «номоддий маҳсулотлар» истеъмол қилинадиган ресурслардаги ўхшашлик харажатларнинг ўз структурасида ҳам намоён бўлади, улар бир биридан кескин фарқ қилади.

Учинчидан кадрлар таркибининг ўзига хос белгисига кўра хизмат кўрсатиш соҳасида бу биринчи навбатда шунда намоён бўладики, ундаги асосий ишловчилар ўрта ва олий маълумотли мутахассислар ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти реал тармоқлари ва ижтимоий соҳаларининг барқарор ривожланиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг инновацион турларини жадал татбиқ қилиш ва самардорлигини оширишга чамбарчас боғлиқ бўлиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу туфайли хизматларнинг бугунги кунда мамлакат иқтисодиётидаги ўрнига баҳо бериш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун қуйидаги жадвал тавсия қилинади (1- жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилда жами кўрсатилган хизматлар ҳажми 27,1 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 218,9 триллион сўмга тенг бўлган. Шу даврда хизматлар 8,1 баробар ўсган. Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 7,1 мартага ошган. Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуши 2010 йилда 41,1%ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 36,3 %гача камайган. Камайиш тенденцияси 0,88 коэффициентни (36,3/41.1) ташкил қилади. Ушбу ҳолат

[31] Бурменко Т.Д. Экономика сферы услуг (Вводный курс) / Т.Д.Бурменко. –Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. – С.37-38.

мамлакатимизда саноат ва қишлоқ хўжалигининг мазкур соҳага нисбатан жадал ривожланганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси асосий кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари, 2015-2020 йиллар[32].

Хизматлар тури	Йиллар					
	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Жами кўрсатилган хизматлар ҳажми, трлн. сўм	78,5	97,1	118,8	150,9	193,7	218,9
Ўсиш суръати,%	289,7	358,3	438,4	556,8	714,8	807,7
Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми, млн. сўм	2,5	3,0	3,7	4,6	5,8	6,4
Ўсиш суръати,%	277,7	333,3	411,1	511,1	644,4	711,1
Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуши, %	39,7	39,4	38,1	35,9	36,1	36,3

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири хизматлар соҳасига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар ёрдамида янги иш жойларини яратиш, меҳнат ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни ташкил этишдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Хизматлар соҳасида фаолият юритишга ихтисослашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда янги иш

[32] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. www.stat.uz

ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим рол ўйнашини албатта чуқур англашимиз зарур”[33].

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа соҳалари сингари хизматлар соҳасини ҳам устувор даражада ривожлантиришни тақозо етмоқда. Шу сабабли мамлакатимизда ислоҳотлами чуқурлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳасини мамлакатимиз ички имкониятларидан келиб чиқиб, ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш долзарблигича қолмоқда.

Хизматлар бу истеъмолчиламинг (юридик ва жисмоний шахслар) ҳолатини ўзгартирадиган ёки товарлар, хизматлар ёки молиявий активлами айирбошлашда кўмаклашадиган ишлаб чиқариш фаолияти натижасидир. Хизматлар соҳаси - корхоналар, ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хизмат турларини такрор ишлаб чиқаришни о ъз ичига олган жамланма соҳа ҳисобланади. Бошқача айтганда, хизматлар соҳаси тижорат, касбий ва маиший хизматлами кўрсатишга ихтисослашган мамлакат иқтисодиётининг тармоқлари ҳисобланади[34].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, хизматлар соҳасининг Республика иқтисодиёти учун кўплаб наф келтирувчи томонлари мавжуд:

- ЯИМ таркибида катта ҳажмни эгаллайди;
- моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектлари сифатида шаклланади;
- аҳоли турмуш даражасини ошишига хизмат қилади;
- мамлакатда товар ва пул айланишини тезлаштиришга хизмат қилади;
- минтақада янги хизматлар бозорини шакллантиради;
- аҳолининг иш билан бандлиги даражасини оширади;
- ҳудудий инфратузилманинг ривожланишига катта ҳисса қўшади;
- хизмат кўрсатиш обйектлари ислоҳ қилинади;

[33] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Конституциямизнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали тадбирдаги нутқи, 2017-йил 8-декабр

[34] Shodibekova D.A. O‘zbekistonda xizmatlar sohasini rivojlantirish: muommolar va echimlar (monografiya). – T.: TDIU, 2020. – 145 b.

- мамлакатдаги инвестиция ички ва ташқи инвестиция ҳажмини оширади ва ҳоказо.

Сервис фаолияти иқтисодий актив фаолиятнинг бир тури бўлиб, бозор муносабатлари шароитида турли хил хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Ушбу фаолият хизмат кўрсатишнинг ихтисослаштирилган структуралари орқали амалга оширилади, улар ўз навбатида ушбу тизимнинг субъектлари ҳисобланади. Мавжуд субъектлар ижтимоий эҳтиёжларнинг миқёси ва мазмунини баҳолаш орқали барча хохловчиларга ўз хизматларини таклиф этади ва уларни қондиришга ҳаракат қилади. Сервис тизимига қарашли бўлган субъектлар жумласига тадбиркорлар ёки сервис ташкилотларининг жамоалари киради. Юқорида қайд қилинган ташкилотлар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- ихтисослаштирилган фирмалар – масалан сайёҳлик, меҳмонхона, даволаш;

- ихтисослаштирилган корхоналар, савдо, транспорт, таъмирлаш ва бошқалар;

- бюро, идоралар - юридик, ахборот, реклама, турар жой.

- муассасалар - қонунни қўриқлаш ва маданият муассасалари бўлиб ҳисобланадиган милитсия бўлимлари, театрлар, музейлар, кутубхоналар;

- ташкилотлар - банк, суғурта, қўриқлаш ва ҳокозолар.

Инсонларнинг бир-бирларига беғараз ва ихтиёрий хизмат кўрсатишларидан фарқли равишда сервис фаолияти субъектлари фаолияти тўлиқ ёки қисман бозор айрбошлашлари принтспларига асосланади. Жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги бизнес тўлиқ тижорат принтсплари асосида амалга оширилади. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, кўпчилик Давлат муассасалари аҳолига хизмат кўрсатишни аралаш асосида амалга оширади, яъни қисман тижорат асосида, қисман ижтимоий неъматларни беғараз қайта тақсимлаш механизми базасида. Умумий ҳолатда сервис фаолияти аҳолининг кенг маънодаги ижтимоий ва якка тартибдаги эҳтиёжларини қодириш имкониятини

беради, ва шу билан бир қаторда ҳозирги турдаги иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни самарали ривожлантиради.

Юқорида қайд қилинганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, айрбошлашнинг бозор муносабатлари доирасида ҳаракат қилиб, сервис фаолияти ушбу муносабатлар билан тартибга солинади, уларнинг талабларига таалуқли равишда шаклланади. Лекин сервис бўйича фаннинг дастлабки даврларида хизмат кўрсатишда меҳнат тавсифи бозордан ташқари элементларга бой эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 сонли фармони. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 55-сон қарори. Тошкент ш., 2016 йил 26 февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 89-модда, 27-сон, 326-модда; 2017 й., 15-сон, 257-модда, 33-сон, 863-модда.

3. Якобсон Л.И. Экономика общественного сектора. М.: Юрайт, 2015.

4. Зиявуддинова А. Инвестиции в образование: международный опыт.// Экономический вестник Узбекистана, 1999г., №4;

5. Хакимова М.А. Реформиравие и развитие социального сектора Узбекистана в условиях перехода к рынку. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. – Т.: 2000.;

6. Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферати: - Т.: БМА, 2018, - 72 бет.